



UzACADEMIA

VOL 1, ISSUE 4, OCTOBER 2020



31/10/2020



НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ

ILMIY-USLUBIY
JURNAL

SCIENTIFIC-METHODICAL
JOURNAL

WWW.ACADEMIASCIENCE.UZ

FARG'ONA



"ACADEMIA SCIENCE" ILMIY-TADQIQOTLAR MARKAZI

UzACADEMIA

**ILMIY-USLUBIY JURNALI
НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL
ISSN (E) – 2181 - 1334**

BARCHA SOHALAR BO‘YICHA

**VOL 1, ISSUE 4, OCTOBER 2020
PART - 1**



MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

1.	М. Мирабдуллаев ВОКАЛ - ХОР ЖАМОАЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ	7
2.	Lolita Babadjanova Qazaxbaevna NEW TECHNOLOGIES OF TEACHING NAVRUZ THEME TO 5 CLASSES	10
3.	Baxromova Sadokat Mansurjonovna TILIM - MILLAT KO'ZGUSI	12
4.	Toшпўлат Акбаров ВОКАЛ ИЖРОЧИЛИГИНИНГ АКТЁРЛИК САНЬАТИДА ТУТГАН ЎРНИ	15
5.	Azimov Ulug`bek Samadovich SO'FIZM TA'LIMOTI – ILHOM MANBASI	19
6.	Гулсанем Турсунова, Бобур Каримов МУСИҚАЛИ ТЕАТР АКТЁРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ОМИЛЛАР	22
7.	Usmanova Lolaxon Sobirovna O'QUVCHILARNI MA'NAVIY TARBIYALASHDA SINFDAN TASHQARI O`QISH DARSLARINING AHAMIYATI	27
8.	Pardaeva Farog`at Alanazarovna MONITOR TANLASHDA NIMALARGA E'TIBOR BERISH KERAK?	31
9.	Фазилова Лутфиниса Азамадходжаевна ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА БИЛИШ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ	35
10.	Ahmedova Dildoraxon Adhamovna THE ROLE OF APPROACHES AND METHODS OF TEACHING PROCESS	38
11.	Xorilov Maxmud Abdumalikovich, Sobitov Ravshan Abdurayimxonovich GEOMETRIK MASALALARINI HOSILA VA INTEGRAL YORDAMIDA YECHISH	41
12.	Muminova Dildora Rizayevna BOSHLANG'ICH TA'LIMDA SAVOD O'RGATISHNING XUSUSIYATLARI	47
13.	Axmedova Aziza ALGORITM TURLARI VA ULARNING AHAMIYATI	49
14.	Azimova Mubashira Salomovna BOSHLANG'ICH TA'LIMNING TA'LIM TIZIMIDA TUTGAN O'RNI	51
15.	Toshpo'latova Benazir's HOW WE TEND TO TEACH YOUNGSTERS ENGLISH RECEPTION?	53
16.	Ermatova Maxfirat INTEGRALLARNI TAQRIBIY HISOBBLASH	56
17.	Mirzayev Sherzodbek Abdullaevich TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISLOHOTLAR	58
18.	Qodirova Shaxnoza Sulaymonovna MASALNAVIS EZOP VA UNING ASARLARI	60
19.	Qo'chqorova Guliston Qurambaevna BIOLOGIYANI O'QITISHDA O'QUVCHILARNING BILISH FAOLIYATI	62
20.	Raxmonova Nigora Abdunorovna ONA TILI TA'LIMIDA NUTQ MADANIYATI TUSHUNCHASI	64

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА БИЛИШ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

*Фазилова Лутфиниса Азамадходжаевна
Тошкент давлат стоматология институти,
«Биофизика ва тиббиётда ахборот технологиялари» кафедраси
e-mail: fazilova1972@mail.uz*

Аннотаци: Уибу мақолада ахборот технологияларининг ҳаётимизга тобора кириб бораётгани ва ҳозирги замоннинг талабига айлананаётгани ҳақида сўз юритилади. Шу билан бир қаторда ҳар бир инсон моддий неъматлар билан бирга улар ҳақидаги ахборотларни билиши зарурдирлиги таъкидлаб ўтилган. Мақолада «ахборот» тушунчаси турли соҳаларда турлича тавсифланиши қайд этилган бўлиб, замонавий ахборот ҳақидаги фикрлар кенг ёритилгандир.

Калим сўзлар: замонавий ахборот, ахборот-коммуникация технологиялари, хужжат юритиши, билиш жараёнлари, ақлий ва ҳиссий билиши, ташқи талаблар.

Замонавий ахборот технологиялари инсон иш фаолиятининг барча соҳаларига чуқур кириб бораётганлиги сабабли янги технологиялардан унумли фойдалана олишимиз ва компьютерда, ахборот-коммуникация технологияларида ишлаш бўйича малакамизни ошириб боришимиз лозим. Бундай малакалар ҳар бир ёш авлодга зарурдир.

Маълумотларнинг маълум қисмини ёдда сақлаб қоламиз, қолганларини эса керакли вақтда сақлаб қолинган дафтар ёки альбомлардан фойдаланиб хотирамизда қайта тиклай оламиз. Олган маълумотларимиз йиллар ўтиши билан чуқурлашади ва кенгаяди, бир-бири билан боғлиқ нарсалар ёки жараёнлар ҳақидаги «билим» ларимиз тўлдирилади. Инсон ҳаёти ва амалий иш фаолияти давомида жуда кўп маълумот олади. Уларнинг ичидан кераклисini ажратиб олади ва имкон қадар хотирасида сақлайди. Баъзиларини кейинчалик ишлатиш учун турли кўринишларда сақлаб қўяди. Кераксиз деб ҳисобланганларини хотирасидан ва сақлаб қўйган манбалардан ўчиради, янгиларини қўшади, баъзи маълумотларни эса бошқалар билан алмаштиради.

Тарихдан маълумки, юқоридаги каби ишларни инсонлар компьютерлар давригача ҳам бажаришган ва бу жараён «Хужжат юритиши (документалистика)» деб аталган. Компьютерлар даврида эса бу ишлар қандай бажарилиши ҳамда қандай тушунчалар билан боғлиқлиги ҳаммага аёндир.

IX–X асрларда Форобий тахаллуси билан яшаб ижод этган юртдошимиз Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон билиш жараёнини икки босқич – ақлий билиши ва ҳиссий билишдан иборат деб ҳисоблаган. У уларнинг ўзаро боғлиқлигини, лекин бири бошқасисиз вужудга келмаслигини алоҳида таъкидлайди. Билишнинг мазкур босқичлари ахборотсиз шаклланмайди, демак, ахборот билишининг асосини ташкил этувчи элемент ҳисобланади.

Форобий «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида табиатни билиш жараёни чексизлигини, билим билмасликдан билишига, сабабиятни билишдан оқибатни билишига, сифатлардан моҳиятга қараб боришини ва бунинг асосида, илмнинг борган сари ортиб, чуқурлашиб боришини таъкидлайди.

Алломанинг айтишича, одамнинг ибтидосида аввало «озикланиш талаби»

пайдо бўлиб, унга кўра одам овқатланади. Шундан сўнгти талаблар «ташқи талаблар» бўлиб, улар бевосита ташқи таъсир натижасида сезги органлари орқали вужудга келади. Мазкур «ташқи талаблар» 5 турлидир:

- тери–бадан сезгиси;
- таъм билиш сезгиси;
- ҳид билиш сезгиси;
- эшитиш сезгиси;
- кўриш сезгиси.

Маълумки, ҳар бир инсон моддий неъматлар (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй ва анжомлар, ва ҳоказо) билан бирга улар ҳақидаги ахборотларни (қандай мақсадда ишлатилиши, шакли, ранги, оғирлиги ва ҳоказоларни) билиши ҳам зарурдир.

Кўриб ўтганимиздек, инсон сезги органлари орқали турли ахборотлар олади. Бундан келиб чиқадики, ахборотни ҳаётдан ҳар хил кўринишларда ёки шаклларда олиш мумкин экан: Жумладан

- расм, чизма, фотосурат, ёзув;
- нур ёки товушлар;
- ҳар хил тўлқинлар;
- электр ва нерв импулслари;
- магнит ёзувлари;
- мимика;



➤ ҳид ва таъм;

➤ организмларнинг сифат ва хусусиятларини сақловчи хромосомалар ва ҳоказо.

Информатикада ахборотни юқоридаги кўринишлардан баъзилари орқали тасвиirlаймиз, баъзиларини ҳаётда кўрганмиз, баъзилари билан эса бошқа соҳалар орқали танишмиз.

Информатикада нарсалар, жараёнлар, моддий ва номоддий хусусиятли ҳодисалар уларнинг ахборот бериш хусусиятларидан келиб чиқиб ахборот обектлари деб аталади. Масалан, «Оммавий ахборот воситалари»ни ҳам ахборот обектлари деб қараш мумкин.

Ҳозирги кунда ёшлиар учун энг хавфлиси бу қулоққа доимий тақиб юриладиган плеер наушниклари ва дискотекаларда кўп вақт бўлишидир. Скандинавиялик олимларнинг тадқиқотларига кўра, бунинг натижасида, ҳар бешта ўсмирдан бири яхши эшиitmайдиган ҳолатга келар экан. Плеер ва телефон овозининг баландлиги 110-114 дб. га етади. Соғлом қулоқ 110дб. овозни 1-2 дақиқа давомида саломатликка зарар етказмайдиган ҳолатда эшитиши мумкин.



Инсоният пайдо бўлгандан бўён ахборот билан бевосита иш кўради. Шунга

қарамасдан, ахборот тушунчасига ҳар томонлама илмий асосланган таъриф

берилгани йўқ ва бериш мумкин эмас. Ахборот тушунчаси турли соҳаларда турлича тавсифланади. Техника соҳасининг мутахассислари учун ахборот – техника ва технологиялар, уларни ишлаш тартиблари бўлса, тиббиёт ходимлари учун – беморнинг касаллик ташхиси, дори-дармонлар ва бошқа маълумотлар ахборот ҳисобланади. Шу каби бошқа соҳа вакиллари ўз соҳалари билан боғлиқ маълумотларни ахборот сифатида қабул қиласиди.

Хулоса: Демак, одам (табиат маҳсули) инсон (жамият маҳсули)га айланишига ўзини ўраб турган оламдан турли маълумотлар олади, уларни ўзаро боғлайди

ва шу маълумотлар асосида билимга эга бўлади.

Ахборот информатика фани учун асосий тушунчадир. Ахборот деганда барча сезги органларимиз орқали борлиқнинг онгимиздаги аксини ёки таъсирини, боғлиқлик даражасини тушунамиз. Ахборот борлиқдаги нарса ёки жараёнларнинг ҳолатлари, хоссалари ва бошқа ҳусусиятлари ҳақидаги маълумотларнинг турли воситалар (курилмалар, машиналар, компьютерлар ва х. к.) орқали бизга етиб келиши ва онгимизга таъсири ҳамда бу маълумотларнинг онгимизда бошқа маълумотлар билан боғланиши эканлигини билишимиз даркордир.

Адабиётлар:

1. Бердиева С. М. , Имомова Ш. М. “Использование инновационных технологий на уроках информатики”// Наука, техника и образование.
2. Ишмухаммедов Р. , Абдуқодиров А. “Таълимда инновацион технологиилари”.
3. Тайлоқов Н. , Ахмедов А. , Пардаева М. , Абдуғаниев А. , Мирсанов У. , “Информатика ва ахборот технологияси”, АЛ ва КХК учун дарслік, “O‘zbekiston” 2004. 3- nashri.
4. Йўлдошев Ж. Ф. , Усманов С. А. “Педагогик технология асослари”, қўлланма. Ўқитувчи- 2004.
5. Интернет маълумотлари.

UzACADEMIA

**ILMIY-USLUBIY JURNALI
НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL**

ISSN (E) – 2181 - 1334

BARCHA SOHALAR BO‘YICHA

VOL 1, ISSUE 4, OCTOBER 2020



Volume 1. Issue 4, October 2020